

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2024 йил декабрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ғ.Негматов, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримқулов, судланувчи Ш.Худойбердиев ва унинг ҳимоячиси-адвокат Б.Игамовларнинг иштирокида, Худойбердиев Шухрат Облабердиевичга нисбатан 1-1416-2401/451-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Худойбердиев Шухрат Облабердиевич (Xudoyberdiev Shuxrat Oblaberdievich), 1971 йил 23 июль куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Самарқанд вилояти Ургут тумани “Чағизмон” маҳалласида яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 19.11.2024 йилда олган, соғлом,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара сўзлари ҳамда судланувчининг охириги сўзларини эшитиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Худойбердиев Шухрат Облабердиевич, 2024 йил май ойининг бошларида дастлабки тергов давомида аниқлашни имкони бўлмаган йўллар билан қўлга киритган “каннабис” гиёхвандлик ўсимлиги уруғларини Ургут тумани “Чағизмон” маҳалласида жойлашган яшаш уйи ховлисига экиб, ундан униб чиққан 2 туп тақиқланган экин хисобланган “каннабис” гиёхвандлик ўсимлигини терак дарахтлари орасига парваришлаб келаётганлиги 2024 йил 26 сентябрь куни Ургут тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2024” тезкор профилактик тадбирлар давомида аниқланиб, ушбу “каннабис” гиёхвандлик ўсимликлари тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Бундан ташқари, Ш.Худойбердиев ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, ўзи томонидан яшаш уйи ховлисига экиб этишириб келаётган 2 туп каннабис гиёхвандлик ўсимликларидан бир тупини юлиб олиб, уни яшаш уйи том қисмига қуритиш мақсадида ипга боғлаб илиб қўйганлиги 2024 йил 26 сентябрь куни Ургут тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Қорадори-2024” тезкор профилактик тадбирлар давомида аниқланиб, ушбу 582 (беш юз саксон икки) граммга тенг ҳўл



холдаги каннабис гиёхвандлик ўсимлиги тегишли тартибда хужжатлаштириб олинган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКБнинг 12.10.2024 йилги 946-сонли экспертиза хулосасига кўра, фуқаро Худойбердиев Шухрат Облабердиевичнинг яшаш уйи ховлиси кўздан кечирилганда уйни ховли томарқасида далилий ашё сифатида хужжатлаштириб олинган 1 (бир) туп яшил рангли, ўткир хидли наша ўсимлиги ҳидига эга бўлган хўл холдаги ўсимликлари таркибида гиёхванд модда – тетрагидроканнабинол мавжудлиги, фуқаро Худойбердиев Шухрат Облабердиевичнинг яшаш уйи чердак қисмидан далилий ашё сифатида хужжатлаштириб олинган 1 (бир) туп яшил рангли, ўткир хидли наша ўсимлиги ҳидига эга бўлган хўл холдаги ўсимликлари таркибида гиёхванд модда – тетрагидроканнабинол бўлиб, ушбу “каннабис” гиёхвандлик ўсимлигининг хўл холдаги соф оғирлиги 582 (беш юз саксон икки) граммга тенглиги, ушбу “каннабис” гиёхвандлик ўсимлигининг курук холдаги соф оғирлиги 204 (икки юз тўрт) граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Самарқанд вилоят наркалогия диспансерининг 30.09.2024 йилги 668-сонли хулосасига кўра, фуқаро Худойбердиев Шухрат Облабердиевичда гиёхвандлик ва алкоғолизм белгилари йўқлигини хулоса қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасида кўзда тутилган мажбурий даволаниш чораларига мухтож эмаслиги кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи Худойбердиев Шухрат Облабердиевич ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳар-ҳар вақтда “марихуана” гиёхвандлик моддасини истеъмол қилиб турганлиги сабабли 2024 йил апрель ойида, муқаддам топиб олган икки дона “каннабис” гиёхвандлик ўсимлиги уруғларини ховлисидаги терак дарахтлари орасига экиб, икки туп гиёхвандлик ўсимлиги униб чиққанидан кейин уларни парваришлаб келишни бошлаганлиги, 2024 йил 8 май куни ишлаш мақсадида Россия давлатига кетганлиги ҳамда 2024 йил 11 август куни яшаш уйига келганида, терак дарахтлари орасида гиёхвандлик ўсимликлари ўсиб турганлигини кўриб, уларни бегона ўтлардан тозалаганлиги, 2024 йил 26 август куни соат 10:00ларда бир туп гиёхвандлик ўсимлигини узиб олиб, келгусида қуритиб истеъмол қилиш мақсадида яшаш уйини том қисмига қуритиш мақсадида олиб чиқиб қўйганлиги, шу куни соат 11:00ларда уйига ИИБ ходимлари келишиб. “Қорадори-2024” тадбири юзасидан яшаш уйи ва томорқани кўздан кечиришларини айтиб, холислар иштирокида кўздан кечиришда ҳовлидаги тераклар орасида ўсиб турган бир туп ва қуритиш мақсадида уйини том қисмида турган бир туп гиёхвандлик ўсимликларини аниқлашиб, хужжатлаштириб олишганлиги, шу гиёхвандлик ўсимликларини ўтказиш ёки сотиш мақсади бўлмаганлиги, ўзининг истеъмоли учун экиб, бир тупини қуритиш мақсадида том қисмига осиб қўйганлигини баён қилиб, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, илгари судланмаганлиги инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ш.Худойбердиев судда ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган гувоҳларнинг



кўрсатувлари ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди, яъни,-

Судда сўралган Эсанов Дилшод Эсиргаповичнинг, Ургут туман ИИБ ЖКБда катта тезкор вакил бўлиб ишлаб келишлиги, 2024 йил 26 август куни Ургут тумани “Чағизмон” маҳалласида яшовчи Ш.Худойбердиевнинг яшаш уйида “каннобис” гиёҳвандлик ўсимликларини экиб, етиштириб келаётганлиги тўғрисида олинган тезкор маълумотга асосан шу куни соат 11:00ларда Ш.Худойбердиевнинг яшаш хонадонига бориб, “Қорадори-2024” тадбири бўйича, Ш.Худойбердиевнинг розилиги билан унинг яшаш хонадони ва томорқаси холислар иштирокида кўздан кечирилганида, томорқадаги терак дарахтлари орасидан бир туп “каннобис” гиёҳвандлик ўсимлиги ўсиб турганлиги аниқланганлиги, шундан сўнг Ш.Худойбердиевнинг яшаш уйи том қисми кўздан кечирилганида том қисмида қуритиш мақсадида осиб қўйилган бир туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги ҳам топилганлиги, аниқланган икки туп гиёҳвандлик ўсимликлари ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинганлиги, Ш.Худойбердиев гиёҳвандлик ўсимликларини ўзининг истеъмоли учун экканлиги тўғрисида айтганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Зайниев Ҳусниддин Асли ўғлининг, 2024 йил 26 август куни соат 11:30ларда Ургут тумани ИИБ ходимларининг таклифига асосан Ургут тумани “Чағизмон” маҳалласида яшовчи Ш.Худойбердиевнинг томорқаси ва яшаш уйини кўздан кечиришда холис сифатида иштирок этганлиги, ИИБ ходимлари “Қорадори-2024” тадбири бўйича, Ш.Худойбердиевнинг розилиги билан унинг яшаш хонадони ва томорқасини кўздан кечиришганида, томорқадаги терак дарахтлари орасидан бир туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги ўсиб турганлиги аниқланганлиги, шундан сўнг Ш.Худойбердиевнинг яшаш уйи том қисми кўздан кечирилганида том қисмида қуритиш мақсадида осиб қўйилган бир туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги ҳам топилганлиги, ИИБ ходимлари аниқланган икки туп гиёҳвандлик ўсимликларини ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштирилиб олишганлиги, Ш.Худойбердиев ИИБ ходимларига гиёҳвандлик ўсимликларини ўзининг истеъмоли учун экканлиги тўғрисида айтганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Судда сўралган гувоҳ Облабердиев Эгамберди Шухрат ўғлининг, судланувчи Ш.Худойбердиев отаси бўлишлиги, ҳақиқатдан ҳам отаси Ш.Худойбердиевнинг ҳар-ҳар вақтда гиёҳвандлик моддаси истеъмол қилиб туришлигини билганлиги, бир неча мартаба истеъмол қилмаслик ҳақида илтимос қилганлиги, бироқ отаси истеъмол қилишда давом этганлиги, бироқ отасининг гиёҳвандлик ўсимлигини экиб, етиштириб келаётганидан хабари бўлмаганлиги, чунки ҳар куни эрталаб ишга чиқиб кетиб, кечаси қайтиб келганлиги сабабли томорқада қандай ўсимликлар ўсиб турганлигидан хабари бўлмаганлиги, 2024 йил 26 август куни соат 11:00ларда ИИБ ходимлари келиб, “Қорадори-2024” тадбири бўйича томорқа ва яшаш уйларини кўздан кечиришган вақтида, томорқадаги терак дарахтлари орасида бир туп гиёҳвандлик ўсимлиги ўсиб турганлигини ҳамда уйни том қисмида бир туп гиёҳвандлик ўсимлиги қуритиш мақсадида осиб қўйилганлигини аниқлашиб,



холислар иштирокида хужжатлаштириб олишганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи Худойбердиев Шухрат Облабердиевичнинг айби жиноят ишининг дастлабки тергов хужжатлари, яъни билдирги, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал ҳамда ДВД диск, маълумотнома, ашёвий далиллар экспертизасининг 407-сонли хулосаси, амбулатор-суд наркологик экспертизанинг 668-сонли хулосаси, судга оид кимёвий экспертизанинг 946-сонли хулосаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида «Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин» деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Ш.Худойбердиевнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд, судланувчи Худойбердиев Шухрат Облабердиевичнинг таъқиқланган экин ҳисобланган “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиш, етиштириш ҳамда кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жинойи хатти-ҳаракати тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Худойбердиев Шухрат Облабердиевичнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, айбига тўлиқ иқдорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Худойбердиев Шухрат Облабердиевичга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, ёшини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик,



инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига катъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деган талабларидан келиб чиқиб, суд, судланувчи Ш.Худойбердиевга жазо тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.**

Суд, судланувчи Ш.Худойбердиевга жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, айбига иқдор ва пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, ёшини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиш билан бирга жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, тайинланадиган жазони ўзи ва бошқа фуқаролар учун тарбиявий аҳамиятини, қилмиш ҳаракатларига иқдорлик билдирганлигини жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унга айбли деб топилган ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми санкцияларида назарда тутилган озодликни чеклаш жазо турини тайинлашни, унга Ургут тумани “Чағизмон” маҳалласидаги яшаш уйини ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаб, унга бир ойлик муддат ичида ишга жойлашиш ва ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча мажбуриятларни юклашни, қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ҳамда ДХХ Самарқанд вилояти бошқармаси АДСХда сақланаётган икки туп “каннобис” гиёҳвандлик ўсимликларини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 474, 475-476-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Худойбердиев Шухрат Облабердиевич (Xudoyberdiev Shuxrat Oblaberdievich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли деб топилсин.

Худойбердиев Шухрат Облабердиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан Ургут тумани “Чағизмон” маҳалласидаги яшаш уйини ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаб 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Худойбердиев Шухрат Облабердиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан Ургут тумани “Чағизмон”



маҳалласидаги яшаш уйини ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаб 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, Ургут тумани “Чағизмон” маҳалласидаги яшаш уйини ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаб 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Унга бир ойлик муддат ичида ишга жойлашиш ва ИИБнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча мажбуриятларни юклансин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазосини ижросини назорат қилиш Ургут туман ИИБ ЖХХ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазо муддати маҳкум жазоларни ижро этиш пробациясида ҳисобга қўйилган кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Худойбердиев Шухрат Облабердиевичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ҳамда Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисобида сақланаётган 7.500.000 сўм пуллар Ш.Худойбердиевга тегишли тартибда топширилсин.

Ашёвий далил, ДХХ Самарқанд вилоят бошқармаси АДСХда сақланаётган икки туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимликлари ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, белгиланган муддат ўтгач эса кассация инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришига ҳақли.

Раислик қилувчи судья

Ғ.Негматов

